# КЕЛДИ МЕҲНАТ МАВСУМИ

*• Деҳқон дугоналаримга мактуб*

## АССАЛОМ, ОНА ЕР

Публицистика

ИРМОҚЛАР қиш уйқусидан уйғониб, нозик сибизғасини чалишга мунтазир. Ариқ лабларида ялпизлар ниш урди. Анҳорлар тўлқин уриб, соҳиллар бўйлаб розидил сўйлаб борар, ялпизлар атрини далалар, боғлар этагига сочиб ўтади. Бирдан момақалдироқ гулдирайди, чақин қилчи ялтирайди. Жала қуяди. Дугонам, бу манзарани дераза ортидан кузатиб ўтирганингни биламан. Хаёлингдан беҳудуд далаларинг, олинажак эгатларинг, қадалгуси чигитлару, униб чиқажак куртакларинг ўтади. Ҳосил куртаклари... Баҳор селлари, баҳор дўллари неча бор савалаб нобуд этади бу куртакларни. Сен баҳор селларини яхши биласан. Ахир сен далаларнинг, ҳосил хирмонлари кўтарилгунча бўлган дамларнинг, табиат ўйинларининг турфа-турфа оҳангларига шоҳидсан. Мен сени илк баҳорнинг серташвиш чоғида она ерни нозли уйқудан уйғотганда, куртаклар ниш уриб чиққан дамларда ҳам, хирмонлар тоғ бўлганда, планлар юз бўлиб катта минбарларда сўз олган дамларингда ҳам учратганман, мулоқотлар қилганман.

**Баҳор селларига мен**
**дафтаримни тутаман**
**Баҳор гулларин териб,**
**танлайдирман ҳижолар.**
**Саргашта шамоллар бор**
**водийлардан ўтаман,**
**Чақин, нур жаҳонига**
**этганча илтижолар.**
**Баҳор селларига сен**
**қалбинг пиёла айлаб,**
**Кўксингга беркитарсан**
**ҳар туп ниҳол гўдакни,**
**Чақинмас, балодир ул,**
**кўз ёшинг жола айлаб**
**Тайёрсан оқизмоққа**
**баҳорий гулдиракни.**

Кечагина қошларингга ўсма, ақиқдек лабларингга лаъл суртиб, гап-гаштакларда қўшиқ айтиб, рақсга тушган, муҳаббат мавзуларида бир-бириларига баҳру-байтлар айтган қишлоқ қизлари билан сен бугун сунбул сочларингни бошингга маҳкам турмаклаб олдинг. Қизил дуррачаларинг дол айлаб дала томон йўл солдинг.

— Ассалом, она ер! Ассалом мунисим! Биз сени нозли уйқунгдан уйғотгани келдик. Волидам, саховатли сийнангга ҳосил уруғларини қадамоқ пайти келди. Қара, гиёҳлар майин шивирлашини бошладилар, яшиллик югурган қирларинг-адирларингда югурик шамоллар чопарлардай кезиб юрибди. «Уйғон, азиз табиат, уйғон, она ер. Меҳнат нақорати бошланмоқда». Она заминга таъзим айлаб, унга меҳрли сўзларини, юрак изҳорини айтаётган деҳқон дугоналаримнинг бири Бекажон эди.

Бекажон Шовот районидаги Чкалов номли колхоздан. У республика Ленин комсомоли мукофотининг лауреати. Кейинги икки чақириқдан буён Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати. Бекажоннинг колхозданги ишлари ҳам чакки эмас. У бошлиқ комплекс механизациялашган бригаданинг 16 нафар аъзоси бор. Улар хўжалик территориясига туташ Эшвой чўлини обод қилишяпти. Сирдарё районидаги «Малик» совхози звено бошлиғи, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат Тўхтахон Қирғизбоева, Чортоқ районидаги «Москва» колхозининг илғор пиллакори Ҳ. Турғунованинг ўтган йилги ютуқлари бу йилги улуғвор режаларидан қувонгим келади. Чўпон дугоналаримнинг қўли-қўлига тегмайди. Кенг қирларнинг соҳибалари қўзи санаб шошади. Кенг яйловларда қўй-қўзиларнинг ёқимли маърashi қулоққа чалинади. Беруний районидаги «Қизил қалъа» совхози чўпони Жовпар Хўжаева бу йил ҳар 100 бош қўйдан 110 тадан қўзи олмоқчи. Орзуинг ёр бўлсин, дугонам.

Далаларга, пайкалларга бамисли турфа, анвойи, рангин лолалардай таралган қишлоқ қизларига термуламан, ҳавасим ортади. Шундай саховатли далаларнинг соҳибаларига, жавоҳиротларнинг ижодкорлари дилидаги баҳорий туйғулар, улуғвор меҳнатлар симфонияси олдидан деҳқон қизининг шимарилган билаклари, юракларига сиғмаётган орзулар, ғайрат тўлқинларига қиёс излайман.

**Субҳи саҳарлар...**
**қуёш уйқуда ётоғида,**
**Дугона, сен беором**
**кезмоқдасан пайкалда.**
**Ҳали олам саҳарнинг сеҳрли**
**мудроғида**
**Даладасан, излайсан**
**она ерга сайқаллар.**
**Тонг ёришар... далангни**
**уйғотар бир хушхабар,**
**Оламнинг сукунати**
**чок-чокидан сўкилар.**
**Илк чигит қадалибди...**
**дугонажон, бу асар,**
**Юртда қўлма-қўл бўлиб ва**
**севилиб ўқилар.**

Баҳор барги карам либосини кийди. Сир, Аму дарёлари соҳилларидаги далаларнинг бу йилги Меҳнат китобининг илк саҳифаларини варақлаб, илк сўзларни битаётган қишлоқ қизларининг юрагида олам-жаҳон гап.

Ойимхон Камолованинг номини Иттифоқда яхши билишади. У ҳам беҳудуд даласини кезиб юрибди. Шийпонларнинг аҳволи қандай, оналарга шароит яратиш даркор. Болажонлар роҳати учун нималарни режаламоқ зарур. Далалар гул босилган шоҳидай текис кўкармоғи, ҳосилга кирмоғи учун қандай тадориклар ўйласа экан. Орзуси теран, муҳаббати бокира аёл ҳамон даласига маҳлиё, шогирдларига устоз. Меҳнат нақорати бошланмоқда. Куздаги сербаланд хирмонларга баҳорда тамал тоши қўйилади. Раиса негадир серташвишроқ.

ЎТГАН йили пахта ривожи кечикди. Лекин деҳқонга ҳамиша умид ёр. Ҳар эгат, ҳар ниҳолнинг ташвиши тинчлиқ бермайди унга. Шугинами? Одамларнинг дарди, қувончи елкасида. Ҳар бир хонадонга нур тушсин, шуъла таралсин. Дастурхони тўкин бўлсин деҳқоннинг. Уфқ четида тонг, раиса далаларда. Уфқ четида тун, у далаларда. У гулдор рўмолининг учини елкасига ташлаб кексалар ҳузурида. У гоҳ юрагига ҳаяжон ортиб уйига қайтади, гоҳо қувончлар эпкинида яйраб кулимсираб сўзлайди. Меҳнат симфонияси бошланяпти. Бу ёғи ўзимизга маълум. Гужумлар соясида дам олмоққа вақт бўлмайди, асов Жайҳуннинг қўшиқларига қулоқ тутмоққа имкон қани? Далалар чорлайди, далалар!

Бу заминда қум барханларининг қатидан ҳам дурлар, инжулар териб олишга моҳир устозлар, пахта миришкорлари меҳнат қиладилар. Она замин ғазалга, қўшиқларга тўлсин дейди деҳқон дугоналарим. Орзуингиз Сизларга ёр бўлсин, Ободон, Назирахон, Фотимахон, Бибисорахонлар. Сизлар энг қийин шароитда ерга чигит қадайсиз, ҳосил ундирасиз. Қумлар ичида, қумлоқлар устида барпо бўлаётган боғлар учун бардошлар, меҳрлар, ардоғлар керак, дугоналарим. Улар эса Сизларда бисёр. Далаларнинг залворли юкини нозик елкаларига олиб, катта хирмонлар учун зувала олаётган Сиздек барнобарчинларга баҳор қалдирғочларидан нома йўлладим. Сизлар замонамизнинг шукуҳини, далаларнинг ўтли баёзини ёзмоқдасиз. Колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришида ҳам муносиб улушингиз бор. Социализм қишлоқ хўжалигида ишловчи аёлларнинг меҳнат характерини, мазмунини тубдан ўзгартирди. Меҳнатингиз — бахтингиз энди. Девдек машиналар хизматингизда, дугонажонлар. Сизнинг хаёлингизда баҳор бокиралиги. Бир ёнингизда беланчак, бир ёнингизда эса суюк момо далангиз. Сиз иккисига баробар онасиз. Меҳрингиз мўл, саховатингиз бисёр. Мен бунга аминман. Фарзандингиз беланчаги далалар бешигини ҳам баб-баробар тебратмоқ, ҳар иккисини ардоқлаб, тарбияламоқ, ҳосилга киритмоққа қодирсиз.

Шу кеча-кундузда то тонггача чироғи ўчмаган қишлоқ хонадонларида бир орзу. Меҳнат фаслини хушнудлик билан бошламоқ, бўлғуси сарбаланд хирмонларга, баракали ҳосил уруғини қадамоқ орзуси.

**Бир қўлида даласи-ю,**
**бир қўлида боласи**
**Оппоқ тунлар алла айтган**
**дугоналар, ҳормангиз.**
**Бир паллада бардошлари,**
**бир паллада тиллоси,**
**Меҳнат баҳорингиз қутлуғ,**
**тилагим шу, толмангиз.**

Наманганлик «40 қизлар», Сизларни аллақачон эгатлар бошида эканингизни эшитдим. Дала шийпонларини эрта баҳорданоқ созлаётган эмишсиз. Шийпон атрофига ўсмалар, жамбилу райҳонлар, гулхайрилар экибсиз. Ҳавасим келади. Қизлар ўтган йўллардан мушку анбар бўйи қолади деганлари бежизмас. Сизлар ўтган йўлларда мушку анбар бўйи билан бирга чўнг хирмонлар тикланади. Бунга ишончим комил. Олаётган марзаларингиз баракали, қутли бўлсин дейман.

Хоразмлик Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ободон Дўсованинг сўзларини эслайман:

— Хоразмликлар баҳорда ҳам, қишда ҳам ёздагидай меҳнат қилишади. Қишда, баҳорда қишлоқларда тўй-томошалар бошланади.

Марзаларга сув тараб қўйиб тўйга кетамиз. Чилдирма чертмаги, ноғора садоларига ўйнаб туриб дала ёдга тушади. Далага чопамиз, марзалардаги сувлардан хабар олиб, яна тўйга қайтамиз. Пахтани яхши кўрамиз. Унинг аччиғига ҳам чидаймиз, чучугига ҳам. Санъатни, шеъриятни жондан севамиз. Санъаткор яхши қўшиқ айтса қарсақ чаламиз, завқимиз тошади. Лекин... ўғил-қизларимизни албатта деҳқон қилгимиз келади.

Азиз дугоналарим, агар деҳқон аёлида шундай меҳр, шундай ўт, ардоқ бўлмаганида, далалар бунчалар саховатли, бунчалар серфайз бўлмас эди балким.

**Қатларига яширмиш қутни,**
**ишқни далалар,**
**Сизни эса ардоқлар**
**маҳобатига ўраб.**
**Уватга Сиз саҳарлар қадам**
**босган паллалар,**
**Ҳайрат, ғайрат йўлларда**
**турар бўлди жовдираб.**
**Даласини қароғдай асраб,**
**алқаган аёл,**
**Сиз-ку, Сизлар заминни**
**орқалаган елкага.**
**Баҳорингиз муборак,**
**муборак эзгу хаёл**
**Бугунги зарра чигит,**
**хирмон бўлур эртага.**

Эътибор ОХУНОВА.

*• Диққат: экологик муаммо*







**Суратларда: 1. Кўчма лаборатория ходимлари корхонанинг санитария зонасидаги ҳаво ифлосланиш даражасини ўрганмоқдалар. 2. «Давра суҳбати» қатнашчиларидан (чапдан) Сариосиё районидаги Свердлов номли колхоз раиси К. Аллаев, Тожикистон алюминий заводи бош инженерининг ўринбосари В. Стекольников, Сариосиё РАПОси раисининг ўринбосари М. Турсунов, Сариосиё райони бош врачининг ўринбосари Ҳ. Маҳмудов, Турсунзода РАПОсининг раиси Н. Святенколар.**

В. Лешченко фотолари

(ЎзТАГ).

# ҲАМЖИҲАТЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА

Тожикистон алюминий заводи атрофидаги қизғин баҳслар давом этяпти. Унинг ҳавога зарарли чиқитлар чиқараётганлигини ҳамма тан олади. Бироқ асосий нарса — бу чиқитларнинг миқдори қанча, демакки, унинг тўпланиши қанчалик хавф туғдиряпти, бу хавфни қай йўсинда камайтириш мумкин, деган саволларга аниқ-равшан жавоб йўқ.

Яқинда корхонада ўтказилган «Давра суҳбати» ушбу масалаларга бағишланди. «Давра суҳбати» иштирокчилари йиғилишдан олдин заводда бўлдилар. Етилган муаммоларни ҳар томонлама муҳокама қилишгач, зарарли газлар тарқалаётган зоналарга, яъни Тожикистон ва Ўзбекистон хўжаликларига бордилар.

Мамлакатда катталиги жиҳатдан олдинда бўлган Тожикистон алюминий заводи бу йил тўла қувват билан ишлай бошлайди. Корхона бугунги куннинг энг мукаммал ускуналари билан жиҳозланган. Илғор технология жорий этилган. Корхона қурилиши билан айни пайтда зарарли чиқитларни тозалаш системаси ҳам бунёд этилмоқда.

Атроф-муҳитга, айниқса газ ҳосил қилувчи чиқитлар ҳаммадан кўп салбий таъсир қилмоқда. Унинг таркибида фторли водород, олтингугуртли ангидрид, азот, углерод оксиди, смолали ва бошқа зарарли моддалар бор. Улар орасида фторли водород заҳарлилиги билан ажралиб туради.

Корхонада қудратли газ тозалаш қурилмалари бор. Улар соатига 17,3 миллион куб метр газни тозалай олади. Табиатни муҳофаза қилиш объектларининг сметадаги нархи салкам 60 миллион сўмликни ташкил этади.

Заводдагилар чангдан газларнинг 96, фторли водороднинг 98, олтингугуртли бирикмаларнинг 90 процентини тозаланмоқда, деб ҳисобламоқдалар. Демак, тозалаш даражаси ниҳоятда юқори, деган хулосага келиш мумкин. У ҳолда ҳамма иш жойида экан-да?

Бироқ «Давра суҳбати»да қатнашган қишлоқ хўжалиги вакиллари (Тожикистоннинг Турсунзода ва Ўзбекистоннинг Сариосиё районлари территорияларидаги муайян майдонлар мана шу зарарли ислар ва чанг-тўзонлардан азият чекмоқда) завод иш бошлаган пайтдан экологик муҳит кескин ўзгарди, деб айтдилар. Илгари тўкин-сочин бўлган бу ўлка ҳозирги пайтда ўрикдан қарийб маҳрум бўлди. Шафтолилар, бошқа данакли меваларидан олинаётган ҳосил пасайиб кетди. Ипак қуртлари чидаш бермаяпти. Оқибатда пилла тайёрлаш плани мунтазам равишда барбод бўлмоқда. Кишилар саломатлигига ҳам путур етяпти. Туғилаётган болаларнинг кўпи нонормал эканлиги ва баъзиларининг ўлик ҳолда дунёга келаётганлиги, айниқса, ташвиш туғдирмоқда.

Корхонадагилар буларга завод айбдор эмас, ҳамма гап хўжалик юритишнинг қарор топган усулида, деб рўкач қилмоқдалар. Тўғри, Ўрта Осиёда йиллар давомида ерларни заҳарлаб келдилар. Атроф-муҳитни кўплаб дефолиантлар, гербицидлар, сон-саноқсиз миқдордаги минерал ўғитлар, бошқа пестицидлар билан заҳарладилар. Деҳқончиликда, чорвачиликда қўшиб ёзиш, соғлиқни сақлаш соҳасида эса аҳволни хаспўшлаш авж олди. Бошқа тармоқларда ҳам хилма-хил ярамасликлар ва жиддий нуқсонлар очиб ташланди. Маҳаллий ва марказий матбуот жамоатчилик диққат-эътиборини медицинанинг суст ривожланаётганлигига, айниқса, ҳомиладор ва туғадиган аёлларга тиббий ёрдам бериш яхши эмаслигига бир неча марта қаратди. Ҳозиргача ҳам туғуруқхоналар етишмайди. Бўлажак оналар яхши парвариш қилинмаяпти. Қишлоқларда водопроводлар кам, ҳаммомлар етишмайди. Санитария-эпидемиология хизмати даражаси паст.

«Давра суҳбати»да амалда экологик жиҳатдан тоза бўлган ишлаб чиқаришлар бўлмайди, деган фикр ҳам билдирилди. Алюминий корхонаси эса энг зарарли ишлаб чиқаришларга мансубдир. У айрим экинларга кўпроқ таъсир қилса, бошқаларига унчалик кўп зарар етказмайди. Шу муносабат билан бу ерда деҳқончилик структурасини ўзгартириш ва айтарли зарар кўрмайдиган экинларни экиш мумкин бўлмасмикин, деган таклифлар ўртага ташланди. Чунки, бундай тажриба ҳозир Польшада қўлланилмоқда, у махсус адабиётларда батафсил баён этиб берилган.

Тўғри, корхонадагилар дастлабки пайтларда, ишлаб чиқаришни ўзлаштириш даврида технологиядан анча четга чиқилганлигини, тегишли қоидалар ва инструкциялар бузилганлигини, ҳақиқатан ҳам чиқитлар нормада йўл қўйиладиган миқдордан анча кўп бўлганлигини яширмадилар. Ҳозир газларни обдон тозалаш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда. Айни пайтда завод кучлари билан фақат Тожикистоннинг эмас, балки Ўзбекистоннинг турли жойларидаги ҳавонинг ифлосланиш даражаси ҳар куни уч мартадан ўлчаб бориляпти. Лекин бундай назорат идоравий назорат эканлигини унутмайлик.

Шу муносабат билан «Давра суҳбати»да қатнашаётганлар ўртасида турли фикр-мулоҳазалар пайдо бўлди. Ишлаб чиқариш чиқитларининг табиатга, инсонга ўтказадиган таъсирини тадқиқ этиш натижалари икки республикада турли натижалар бермоқда. Баъзан эса улар бир-бирига бутунлай зид бўлаяпти.

Шунда, нима учун кучларни бирлаштириш мумкин эмас, деган таклиф айтилди. Ахир иккала республика ўртасидаги муносабатлар ҳамма вақт тўла бирлик ва ҳамжиҳатлик руҳида бўлганлигига, энг мураккаб масалаларни ҳал этишда бир ёқадан бош чиқариб ишланганлигига мисоллар жуда кўп-ку. Ҳозирги вазиятда эса кўндаланг турган вазифалар иккала республика учун бир хилдир.

Бинобарин, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш муаммоси мураккаб ва долзарбдир. Кўпминг кишилик коллективдан иборат алюминий заводи ишлаб турибди ва бундан кўз юмиб бўлмайди. Экологияга салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқариш эканлиги ҳам факт. Бироқ унинг табиатга, инсон саломатлигига етказаётган зарарини чуқур, жиддий, мунтазам равишда, ҳар томонлама тадқиқ этиш йўлга қўйилмаганлиги афсусланарлидир.

Назаримизда, бундай тадқиқотларни зудлиқ билан бошлаб юбориш керак. Бу ишга ишлаб чиқариш ходимлари, олимлар, медиклар, атроф-муҳитни назорат қилиш хизмати бўлинмаларини, бошқа мутахассисларнинг куч-ғайратларини сафарбар этиш лозим. Уни иккала қардош республика вакиллари биргаликда олиб борсалар айни муддаодир.

Дарвоқе, касаллик сабабларини аниқламасдан, унга диагноз қўймасдан туриб, даволаш жуда мушкул. Ана шунда биз завод нимада айбдор-у, ўзимизнинг хўжасизлигимиз келтираётган зарар аниқланади.

И. АЛИМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

# ЮРТИМДА КЕЛИНЧАК БАҲОР

## Кулган куртаклар

1.

**Новдалар эгилди март қори босиб,**
**Кулган куртаклар — баҳори тошиб,**
**Қаранг: аёз қаҳрин оҳори қочиб,**
**Кўчиб тушаётир заминга осмон.**

**Ҳаммаёқ, ҳаммаёқ кўрар оппоқ туш,**
**Туш кўрар тонг маҳал кўкламги юмуш.**
**Шудгорлар эртага соз ҳамиртуруш —**
**Кўпчиган хирмон у, бўрсиллаган нон.**

2.

**Қир-адирлар ҳам мана қип-қизил,**
**Деҳқон уруғ ташлар, ишлари кўп зил,**
**Зил эмас, деҳқоним тилида ҳазил:**
**«Нима бўпти! Арзир тоғ этсак талқон!»**

**Ҳа, тоғларни талқон қилмоққа қодир,**
**Юртимнинг эрлари — шерлари бордир.**
**Неча Барчинлари тикмоқда чодир:**
**«Бўлай, — деб, — куздаги ҳосилга**
**ҳоқон».**

3.

**Чорвадор, қўшиқчи, кончи, ишчиси,**
**Раҳбари, олими, катта-кичиги,**
**Бахшиси, яхшиси, қалам аҳлиси:**
**«Юрт омон бўлсин» деб урали жавлон.**

**Юрт омон бўлгани — дунё бор демак,**
**Шуни деб яшамоқ, курашмоқ керак.**
**Демак: гўдак ўсар, барг ёзар терак...**
**Одамкуш ғанимнинг юзлари сомон.**

4.

**Демак, баҳор боқий: сирли шивирлар,**
**Майсадан киприги — сувлар жимирлар,**
**Япроқлар шовуллар, қизлар қиқирлар...**
**Зайнабга қўл берар қаҳрамон Омон.**

**Меҳнат қизигандан қизиб боради,**
**Қолган қолиб, ўзган ўзиб боради —**
**Ўнни қирқ ёргандай эгат олади,**
**Хотин-қизи бир ён, шерлари бир ён.**

5.

**Йигит мўйловидай сабза пайкаллар,**
**Пайкалдай узалар учқур хаёллар.**
**«Э, вақт дегани бунча ҳаяллар!..»**
**Орзиқиб яшайди заҳматкаш деҳқон.**
**Ўтар тансиқ баҳор — наврўз, қуш,**
**гуллар,**
**Ёз шундай соз ўтиб, куз чоғи келар,**
**Ҳосил ҳам йиғилиб, осмонга етар,**
**Баҳорни эслайди деҳқоним шу он...**

ОТАЁР.

## Бойчечак

**Қандайдир сезги-ла туйгандик исин,**
**Кафтимиз тутгандик биринчи қорга.**
**Унчалар хуш кўрмай бугун сўнггисин,**
**«Халақит беряпти,—деймиз, — баҳорга».**

**Қидира бошладик энди бойчечак,**
**Болалар қор билан ўйнамай қўйди.**
**Бодом шохларига боғланди куртак,**
**Қуёшнинг нурлари кўксини ўйди.**

**У билан ювмади ҳеч ким юзини,**
**Шунча совуқмикин энг охирги қор!**
**Қолдирма кўз ёш каби изини,**
**Ҳижолатдан титрар кўнгли бўш Баҳор...**

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

## Гул билан

**Баҳор келди боғимга,**
**Боғиму қароғимга.**
**«Соғинтириб келдим» дер,**
**Шивирлаб қулоғимга.**

**Баҳор келди гул билан,**
**Гул билан, булбул билан.**
**Майсалардан тўқилган,**
**Поёндозли йўл билан.**

**Баҳор келди ёр бўлиб,**
**Ёр бўлиб, дилдор бўлиб.**
**Ҳар тонг боғда кутдим мен,**
**Зор бўлиб, бедор бўлиб.**

**Баҳор келди навдага,**
**Навдага-ю даврага.**
**Ҳаммани ошиқ қилиб,**
**Қўйди қийин савдога.**

Ўткир РАШИД.

## Деҳқон кутиб олар

**Трактор гувиллар,**
**Шому саҳарда.**
**Кишилар тик туриб,**
**Ухлар бу маҳал.**

**Фикрлар бир нуқта,**
**Истак ягона.**
**Ҳосилнинг тақдири,**
**Фурсатларда ҳал.**

**Трактор гувиллар,**
**Қуёш нур сочар.**
**Тўлғоқ тута бошлар,**
**Она заминни.**

**Ҳар тун ғўзасини,**
**Бағрига босиб.**
**Деҳқон кутиб олар,**
**Янги мавсумни.**

Абдураҳмон ЖЎРАЕВ.

## Тонг бағрида

**Тонг бағрида мушк-анбар**
**тўла**
**Кўксин очиб чиқади баҳор.**
**Энди минг бир хушомад ила,**
**Еллар олмазорга чопаверар.**

**Кўз-кўзлашга новдаларин тол**
**Қизлар йўлин пойлар бесабр.**
**Кумуш-кумуш нурлар тўкилар**
**Барглар аро этгани сайр.**

**Деразадан кузатаман жим,**
**Ўрик ости тўлар гулбаргга.**
**Ўраб-чирмаб оқликка ўзин**
**Ҳислар тўла бошлар юракка.**

**Ёруғ суҳбат истайман бирдан,**
**Эзгуликлар фикрим ўрайди.**
**Шу пайт қизим воқифдек**
**сирдан,**
**Мендан Ленин ҳақда**
**сўрайди.**

Замира РЎЗИЕВА.

*• Агросаноат хабарлари*

## Сабзавот экиш қизғин

Наманган районидаги сабзавотчиликка ихтисослашган Тельман номли колхоз деҳқонлари бу йил 156 гектар майдонга эртаки карам экиб, мўл ҳосил етиштиришга аҳд қилишган.

— Сифатли карам етиштириш кўп жиҳатдан кўчатга боғлиқ, — дейди колхоз бош агрономи Фахриддин Furbобоназаров. — Тажрибакор деҳқонларимиз декабрь ойида плёнка остига уруғ сепиб, тўла кўкартириб олишди. Бу тадбир, айниқса 3-, 4-, 14-, 15-бригадалар коллективлари томонидан уюшқоқлик билан бажарилди. Абдусаттор Мусабоев, Зиёвуддин Камолов, Абдураҳим Мўминов ва Фароғатхон Аҳмедова каби кўчатчилар, айниқса, ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

Эргашбой Йўлдошев бошлиқ бригада коллективи доимо план ва мажбуриятларини ортиғи билан бажариб келади. Чунки бригада аъзолари ҳар гал кўчат тайёрлашга барвақт киришадилар. Экиш-тикиш билан боғлиқ ишлар ҳам пухта тайёргарлик билан амалга ошириладди.

Уч гектарли картада колхоздаги барча бригада бошлиқлари, мутахассислар, пудратчилар иштирокида кўргазмали семинар бўлди. Унинг қатнашчилари эртаки карамни плёнка остига экиш ва уни агротехникага мувофиқ парваришлаш бўйича тажриба алмашишди.

Бригадада саккиз гектар ерда эртаки карам ўстирилади, ҳар гектар ердан ўртача 250 центнердан ҳосил олиш мўлжалланмоқда. Тўрабой Жўраев, Одилжон Жалилов, Камолиддин Ҳамроев каби колхозчилар карам экишда бошқаларга ўрнак. Ишда сифат ва самарадорликка эришиш ягона мақсадга айланган.

А. ҚОРАБОЕВ.

## Қисқа сатрларда

● Олтиариқ районидаги «Ленинобод» совхозининг Аҳмаджон Жалилов бошлиқ бригадаси деҳқонлари экиш мавсумига қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар. Бригададаги 111 гектар майдоннинг 40 гектарида шўр ювиш ишлари тугалланди. Бу ишда Аъзамжон Жалилов, Раҳимжон Шодмонов, Худоёр Раҳимов сингари сувчилар бошқаларга ўрнак бўлишяпти. Ариқ-зовурларни тозалаш, далаларга маҳаллий ўғитлар чиқариш ишлари ҳам қизғин.

А. НУРМАТОВ.

* * *

● Янгибозор районидаги «Партия XXI съезди» колхози чорвадорлари 60 минг 200 сўм соф фойда олган эдилар. Улар бу йил ҳам ютуқларни кўпайтиришга интилмоқдалар. Айниқса, давлатга гўшт сотиш ортди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баробар кўп гўшт сотилди. Бўрдоқилар тўйимли рацион билан боқилиб, кунига 450-500 граммдан семиртирилмоқда. Бу ишда молбоқарлардан Матёқуб Жўраев ва Раҳмат Саидовларнинг ҳиссаси катта.

О. АБДУЛЛАЕВ.

* * *

Шунингдек, **Ҳ. Икромов, М. Умаров** (Самарқанд), **М. Чумирзаев** (Андижон), **П. Эргашев** (Жиззах), **С. Ҳусаинов** (Хоразм), **Б. Зарипов** (Қашқадарё), **Г. Ғаниева** (Бухоро)лар ҳам ўзлари яшаб турган жойлардаги меҳнат коллективлари ва ишлаб чиқариш илғорлари қўлга киритаётган муваффақиятлар ҳақида хабар қилишган.

